

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИ РЕЖА АСОСИДА КЎЧИРИШ ТАРИХИ (1950-1956 йй.)

Ризаев Бахтиёр Назарбоевич,
Бухоро давлат университети Жаҳон тарихи
кафедрасикатта ўқитувчиси

For citation: Bakhtyor N.Rizayev. History of planned relocation in Uzbekistan (1950-1956). 2019, vol. 1, issue 12, pp. 48-53.

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-12-07>



Келиб тушган сана 5 август, 2019
Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада XX аср 50-йилларида Ўзбекистонда аҳолини кўчириш режасини вилоятлар ҳамда туманлар бўйича тақсимоти, кўчириш билан боғлиқ натижалар архив манбалари асосида очиб берилган.

Калит сўзлар: кўчириш, режа, хўжалик, вилоятлараро, туманлараро, қарор, янги ер.

ИСТОРИЯ ПЛАНОВАЯ ПЕРЕСЕЛЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ (1950-1956 гг.)

Ризаев Бахтиёр Назарбоевич,
старший преподаватель кафедры Всемирная история
Бухарского государственного университета

АННОТАЦИЯ

В данной статье раскрыто по архивном данному план переселения населения Узбекистана по уделу областей и районов, процесс переселения и его итоги.

Ключевые слова: переселения, план, хозяйство, межобластной, внутриобластной, постановления, новая земля.

HISTORY OF PLANNED RELOCATION IN UZBEKISTAN (1950-1956)

Bakhtyor N. Rizayev,

Senior lecturer of the department of “World History”

ANNOTATION

In the following article the distribution of people as per settlement policy plan of people in Uzbekistan in the 50s of the 20th century based on the regions and districts, results related with settlement are exposed.

Key words: settlement, plan, household, inter-regional, inter-districts, decree, virgin lands.

Собиқ Иттифоқ 50-йиллардан эътиборан мамлакат иқтисоди ва ишлаб чиқаришни юксалтиришга қарор қилади. СССР минтақаларида жойлашган табиий заҳираларни ўзлаштириш ҳисобига марказдан мустақил, ҳудудларни тенг ривожлантириш йўли танланди. Бундан кўзланган мақсад, аҳоли истемол маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, турмуш тарзини яхшилаш эди. Табиий заҳиралар жойлашган ҳудудларда ишлаб чиқариш кучлари жойлаштирилиб, белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнида меҳнат ресурсларига эҳтиёж юзага келади. Натижада совет ҳукумати аҳоли зич жойлашган ҳудудлардан янги ерларга аҳолини режа асосида кўчиришни ташкил этишга киришади. Аҳолини янги ерларга кўчириш жараёнида бевосита давлат аралашуви яққол кўзга ташланиб, бу архив ҳужжатларида ўз аксини топган. Биз тадқиқотда 50-йилларда Республикада амалга оширилган кўчириш режаси ва унинг туманлар кесимидаги тақсимотини кўрсатишга уринамиз.

1950 йилда Ўзбекистон Минстрлар советининг 96-сонли қарори қабул қилинди. Унда республикада пахтачиликни ривожлантиришга эътибор қаратилиб, янги ерга 16 минг деҳқон хўжаликлари кўчирилиши белгиланди[9,Б.33]. Қарор аҳолини туманлар кесимида кўчиришни назарда тутди. Йиллик режада вилоят ва туманлар учун кўчирилиши лозим бўлган хўжаликларнинг умумий миқдори кўрсатилади. Туманлараро аҳолини кўчириш тадбирлари эса маҳаллий партия ва ижро органлари томонидан(қайси тумандан қанча хўжалик кўчирилиши) амалга оширилган. 1950 йилнинг 24 мартада Ўзбекистон ССР

Министрлар Совети ва К(б)Марказий Комитетининг 449-сонли қарори эълон қилинади. Қарор Республикада пахта экувчи совхоз ва колхозларга колхозчиларни кўчиришни уюштириш тўғрисида бўлиб, шу йилнинг март-апрел ойларида 4000 хўжаликни вилоятлараро кўчиришга мўлжалланган[11, Б.112]. Мазкур режа вилоятлар кесимида қуйидагича тақсиланади: Тошкент области-400, Самарқанд-1000, Фарғона-350, Наманган-350, Андижон-750, Бухоро-200, Қашқадарийё-500, Сурхандарё-450 хўжалик[11, Б.112]. Архив ҳужжатлари таҳлили аҳолини вилоятлар кесимида кўчириш жараёни ниҳоятда мураккаб кечганидан гувоҳлик беради. Масалан 1950 йилни 24-мартда қарор қабул қилиниб, жорий йил март-апрел ойларида 4000 хўжалик танлаб кўчириш талаб этилган. Республика ҳукмати қисқа муддатда бу каби йирик тадбирни бажариш имкониятига эга эмасди. Бундан ташқари маҳаллий имкониялар ва реал вазият ҳисобга олинмасдан туриб юқоридан шошма-шошарлик билан қилинган қарор ўзини оқламаган. Оқибатда Ўзбекистон Министрлар Совети аҳолини кўчиришни йиллик режасига ўзгартириш киритишга мажбур бўлади. Ўзгариш 25 августда қилиниб, унга кўра Тошкент вилояти учун йиллик режага 1100 хўжалик (туманлараро) қўшимча қилинади. Жумладан: Ўрта-Чирчиқ районидан-430, Чиноз-420, Янги йўл-250 хўжалик кўчирилиши кўрсатилган. Аксинча, Бухоро области-500, Андижон-300, Фарғона-300 жаъми режа 1100 хўжаликка қисқартирилади[12, Б.278]. Август ойида кўчирилган аҳолини шошилиш учун уй-жой билан таъминлаш имконияти йўқ эди. Кўчириш режаси йил давомида бир неча бор ўзгартирилган ҳолатлар ҳам учраб туради. Чунончи 1953 йида аҳолини кўчириш режасига икки бор ўзгартириш киритилади. Шу йилни 9 январ санасида қабул қилинган қарорда 6000 хўжаликни кўчириш мўлжалланган. Тошкент областидан-2100, Фарғона-350, Наманган-300, Андижон-700, Самарқанд-1000, Сурхондарё-350, Хоразм-200, Қорақалпоқ-1000 хўжалик. Лекин, 5 май санаси Ўзбекистон Министрлар Советини 609-сонли қарори билан режага ўзгартириш киритилади. Унга кўра Сурхондарё вилояти учун 300 хўжалик қўшимча қилинади. Министрлар Советини 27 августда қабул қилинган 1338-сонли қароридан режа яна бир бор ўзгартирилади. Яъний Фарғона областига-40, Наманган-100, Андижон-150 хўжалик қўшимча қилиниб, Хоразм вилоятидан 40 хўжалик камайтирилган[1, Б.1]. Кўчириш режасини ўзгартирилишига, янги ўзлаштирилган ерларни суғориш учун, кўчирилиши режалаштирилган ҳудудлар аҳолини қабул қилиш учун тайёр эмаслиги, ирригация-мелиорация ишларининг белгиланган муддатида якунланмаганлиги сабаб қилиб кўрсатилади[1].50-йил-

ларда деқон хўжаликларини мавсумий қишлоқ хўжалиги ишлари учун оммавий сафабар этиш анъанаси давом эттирилади. Жумладан, Ўзбекистон Министрлар Совети томонидан 1953 йилнинг 3 декабрида қабул қилинган “Қуйимозор сув омбори қурилишини якунлаш” тўғрисидаги 1995-сонли қарорида қурилиш ишларини ўз вақтида якунлаш учун кунига 800 деҳқон ҳамда домий ишлаш учун 1500 деҳқон жалб этилиши кўрсатилган[13,Б.44].

1954 йилда аҳолини кўчириш режаси 7000 хўжалиқдан иборат бўлди. Шундан: колхозларга-6000 хўжалиқ, пахтачилик совхозларига-1000 хўжалиқ кўчирилиши[2,Б.3] лозим. Йил довамида олиб борилган кўчириш ишлари натижасида туманлараро кўчириш жараёнида ижобий ҳолат кўзга ташланади. Вилоятлараро кўчиришда одатдаги муаммолар жараёнга салбий таъсир кўрсатган. Эътиборли жиҳати Республика ҳукмати янги ер ўзлаштиришни кундалик ишчи кучини жалб этган ҳолда ҳал этишга уринишида. Министрлар Советида жорий йил учун ерларни экишга таёрлаш масаласи муҳокамасида, Хоразм вилоятидан янги ерларга кунига (Маятник миграция) белгиланган 13 минг колхозчи чиқиши лозим эди, ваҳолангки апрелнинг биринчи ўн кунлигида ўрта ҳисоб билан 966 ёки режага нисбатан 7,4 фоиз киши ишга чиққанлиги[6,Б.7] танқид остига олинади.

1955 йил режада 2000 хўжалиқ совхозларга, 6000 минг хўжалиқ колхозларга кўчирилиши кўзда тутилган. Ажабланарли томонида жаъми 7000 хўжалиқ туманлараро[7,Б.119] кўчирилиши режа қилинганида. Аксинча қарор лойиҳасига қилинган 5-иловада ишчиларни ташкилий танлов асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқлари ва саноат объектларига юбориш режаси келтирилади. 1955 йилнинг биринчи кварталда Тошкент шаҳридан-850, Тошкент вилоятидан-400, Фарғона-550, Самарқанд-425, Бухоро-225, Андижон-225, Наманган-150, Қашқадарё-75, Сурхондарё-100 киши ишга юбориш режалаштирилган[8,Б.121]. Министрлар Совети ҳисобларида эса 1955 йилда жаъми 9564 хўжалиқ кўчирилган. Шундан 7749 хўжалиқ туманлараро, 1815 хўжалиқ вилоятлараро кўчирилгани[3,Б.2] таъкидланади. Ушбу йилда аҳоли нафақат ички халқ хўжалиги тармоқлари учун кўчирилган балки, иттифоқдош республикаларда амалга оширилаётган қурилиш ва саноат объектларига ҳам жўнатилган. Мисол учун “Казметаллургстрой” трести, разезд 57, Карганда темир йўлига Тошкент шаҳридан-150, Тошкент ва Самарқанд вилоятларидан -50 нафар ишчи жўнатилган[14,Б.13]. Мазкур ҳолат собиқ иттифоқ йилдан-йилга меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш мақсадида қурилиш, саноат, қишлоқ хўжалиги соҳаларига кўпроқ ишчи кучи жалб этганидан да-

лолат беради. 1956 йилда аҳолини кўчиришни тўрт йиллик истифқ-болли режаси тасдиқланди. 1956-1960 йиллар давомида Республикада жаъми 49500 хўжаликни кўчириш режа қилинди[4,Б.48]. 1956 йилда амалга оширилган кўчириш ишлари ҳисобатларида 6500 хўжалик колхозларга, 2000 хўжалик совхозларга кўчириш режалари орттириб бажарилгани таъкидланади. Жумладан колхозларга 6500 хўжалик ўрнига, 6861 хўжалик кўчирилади яъний режа 105,5 фоизга адо этилади. Аммо эришилган ютуқларга қарамасдан бир қатор камчиликлар ҳам кузатилган. Наманган ва Сурхондарё вилоятларида тумалараро кўчириш режаси 11 ва 22 фоизга бажарилган. Бунга Наманган вилояти Уйчи туманида кўчма хўжаликларни танлаш ўз вақтида ўтказилмаган, район ижроия кўмитаси кўчириш тадбирларини талаб даражасида ташкил эта олмагани сабаб бўлган. Сурхондарё Бешқўтон массивига кўчирилиши керак бўлган 800 хўжалик ирригация-мелироция тизимлари ва сув манбалари етшмаслиги сабабли амалга ошмагани аниқланади[5,Б.50].

Хулоса ўрнида кўчириш жараёни асосан туманлар кесимида мавофақиятли бажарилганлигини айтиш мумкин. Аммо, янги ерларни ҳажми кенгайган сари меҳнат ресурсларини вилоятлараро тенг тақсимлаш зурурияти орта борган. Буни инобатга олган Республика ҳукмати кўчирилиш белгиланган хўжаликларни асосан табиий-иқлими нисбатан таниш бўлган (Мисол учун Самарқанд области тоғли ҳудудларидан Мирзачўлга) ҳудудлардан жалб этишга уринишади. Лекин, вилоятлар кесимида танланган ушбу хўжаликлар пахтачиик тажрибасига эга бўлмасдан, асосий машғулотлари чорвачилик бўлган. Натижада кўзланган мақсадга эришиш хавф остида қолади. 1960-йиллар ўрталаридан юқорида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилган ҳолда, вилоятлараро аҳолини кўчириш режаси ошириб борилади.

Фойдаланилган манбалар рўйхати

1. ЎзРМДА 2347-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғма жилд, 1-бет(O'zRMDA 2347-fond, 1-ro'yxat, 1-yig'ma jild, 1-bet)
2. ЎзРМДА. 2347-фонд, 1-рўйхат, 9-йиғма жилд, 3-бет(O'zRMDA 2347-fond, 1-ro'yxat, 9-yig'ma jild, 3-bet)
3. ЎзР МДА. 2347-фонд, 1-рўйхат, 26-йиғма жилд, 2-бет(O'zRMDA 2347-fond, 1-ro'yxat, 26-yig'ma jild, 2-bet)
4. ЎзРМДА. 2347-фонд, 1-рўйхат, 74-йиғма жилд, 48-бет(O'zRMDA 2347-fond, 1-ro'yxat, 74-yig'ma jild, 48-bet)
5. ЎзРМДА. 2347-фонд, 1-рўйхат, 74-йиғма жилд, 50-бет(O'zRMDA 2347-fond, 1-ro'yxat, 74-yig'ma jild, 50-bet)

6. Бухоро вилоят Гиждувон туман ДА.3-фонд, 1-рўйхат, 316-йифма жилд, 7-бет (Buxoro viloyat G'ijduvon tuman DA.3-fond, 1-ro'uxat, 316-yig'ma jild, 7-bet)

7. Бухоро вилоят ДА.1023-фонд, 1-рўйхат, 935-йифма жилд, 119-бет (Buxoro viloyat DA. 1023- fond, 1-ro'uxat-1, 935-yig'ma jild, 119-bet)

8. Бухоро вилоят ДА. 1023-фонд, 1-рўйхат, 935-йифма жилд, 121-бет (Buxoro viloyat DA.1023-fond, 1-ro'uxat, 935-yig'ma jild, 121-bet)

9. Бухоро вилояти Бухоро туман ДА.5-фонд, 1-рўйхат, 27-йифма жилд-27, 33-бет (Buxoro viloyat Buxoro tuman DA.5-fond, 1-ro'uxat, 27-yig'ma jild, 33-bet)

10. Бухоро вилояти Бухоро туман ДА.5-фонд, 1-рўйхат, 27-йифма жилд, 110-бет (Buxoro viloyat Buxoro tuman DA.5-fond, 1-ro'uxat, 27-yig'ma jild, 110-bet)

11. Бухоро вилояти Бухоро туман ДА.5-фонд, 1-рўйхат, 27-йифма жилд, бет-112 (Buxoro viloyat Buxoro tuman DA.5-fond, 1-ro'uxat, 27-yig'ma jild, 112-bet)

12. Бухоро вилояти ДА. 1023-фонд, 1-рўйхат, 508-йифма жилд, 278-бет (Buxoro viloyat DA.1023-fond, 1- ro'uxat, 508-yig'ma jild, 278-bet)

13. Бухоро вилояти ДА.1023-фонд, 1-рўйхат, 884-йифма жилд, 44-бет (Buxoro viloyat DA.1023-fond, 1-ro'uxat, 884-yig'ma jild, 44-bet)

14. Бухоро вилояти ДА.1023фонд, 1-рўйхат, 935-йифма жилд, 120-бет (Buxoro viloyat DA.1023-fond, 1-ro'uxat, 935-yig'ma jild, 120-bet)